

**ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБ ЎҚИШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
ЯНГИЧА ЁНДОШУВЛАР**

**Уразов Турдыбай Аллаярович**

*Қорақалпоғистон Республикаси педагогларни янги методикаларга ўргатиш  
миллий маркази катта ўқитувчи*

**Аннотация:** *Мақолада китобнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ва ўқувчиларда китоб ўқиш маданиятини шакллантириш масалалари кўриб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** *Китоб. Китоб мутолааси. Китобхонлик маданияти. Китобга муҳаббат. Ёшлар таълим ва тарбияси. Ролли ўйинлар. Баҳс-муназара. Эссе методи.*

**Аннотация:** *В статье рассматриваются о роли книги в жизни человека и вопросах формирования культуры чтения у учащихся.*

**Ключевые слова:** *Книга. Чтение книг. Культура чтения. Любовь к книгам. Образование и воспитание молодежи. Ролевые игры. Дебаты. Эссе метод.*

XXI аср глобаллашув, ахборот технологиялари, интеллектуаллик асри деб эътироф этилмоқда. Бугунги кунда ёшларнинг тарбиясига салбий тасир қилувчи омиллар кўп. Бунга турли ижтимоий тармоқлар, уларда тарқалаётган аниқ бир ўз тасдиғини топмаган маълумотлар ва ҳ. Ўқувчи ёшларимиз ўзларининг кўп вақтларини ижтимоий тармоқлар ва шунга ухшаш қатор омилларга боғланган ҳолда ўтказиб, бебаҳо ақл-идрок манбаи ҳисобланган китобдан анча йироқлашиб кетмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида ватандошларимизни улуғ байрамига бағишланган табрик сўзида, “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айти ҳақиқат бўлади” деб таъкидлаган эди. Учинчи Ренессанс пойдеворини биз китобсиз қўз ўнгимизга келтиришимиз қийин. Шунки, китоблар яратилгандан буён асрлар давомида инсониятнинг орзу-истакларини руёбга чиқарувчи, муоммаларнинг ечимини топишга ёрдам берувчи куч сифатида қаралган. Шундай экан, китобнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини бирон-бир нарса билан таққослаб бўлмайди. Китоб-илм, билим, тажриба, ақл-заковат манбаи ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, “китобсиз ривожланишга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ”.

Янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77–моддасида “Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга

етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” делинган [1]. Ушбу норма бугунги кунда барча ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларга катта маъсулият юклайди, эртанги келажагимиз бўлган фарзандларимиз тарбиясига лоқайд бўлмасликга ундайди.

Бугунги кунда “Фарзандини китоб ўқишга ўргатмаган ота-она асосан уни саводсиз этиб тарбиялаган бўлади” – деган экан буюк бир донишманд. Ҳақиқатдан ҳам ҳар томонлама шаклланиб бораётган шахснинг тарбиясида китобнинг тутган ўрни катта. Боланинг китобга бўлган меҳрини уйғотиш, китобхонлигини ошириш, уни саводли қилиб тарбиялаш учун ҳар бир ота-она ўзининг оиласида уй кутубхоналарини ташкил қилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Шунки, китоб мутоала қилган болалар бўш вақтини бекорга ўтказмайди, китобдан олган билимларини мустаҳкамлаб боради.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ўқувчи ёшлар орасида ўқитибхонлик маданиятини юксалтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, бу борада давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва ташаббуслар илгари сурилган.

Бешта муҳим ташаббус доирасида амалга оширилаётган ишлар орқали нафақат мактаб ўқувчилари, балки жамиятнинг катта қисми ҳисобланган ёшларни китоб ўқишга қизиқтириш, жалб қилиш масаласи илгари сурилди.[2] Ушбу ташаббус асосида аҳоли, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида китобхонлик бўйича танловлар жорий қилинди ва танлов ғолиблари муносиб тарзда рағбатлантирилиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2020 - 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурида бир қатор устувор йўналишлар белгилаб олинди [3].

Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан қатор ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ва ташаббуслардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ота-она боламизни китоб ўқишга қизиқтиришни биз ўзимизнинг оиламиздан бошлашимиз зарур, деб ўйлайман. Уларнинг ёшига қараб китобларни тавсия қилиб, тафаккурини шу вақтдан уйғотиб боришимиз шарт.

Мактабларда ўқувчиларда китобхонлик маданиятини кўчайтириш мақсадида синф соатларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишни тавсия қиламиз. Улар билан синф соатларини баҳс-муназара, ролли ўйинлар асосидаги ижодий ёндошувга қўрилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчиларга ўзлари томонидан мутолаа қилинган китобларнинг мазмун ва моҳиятини айтиб бериш, уни биргаликда таҳлил қилиш орқали ҳам уларнинг китобга бўлган меҳрини, қизиқишини кучайтиришимиз мумкин.

“ЭССЕ” МЕТОДИ



Эссе француз тилидан таржимада “тажриба, андаза” маъноларини англатади. Эссе - прозаик этюд, қандайдир бир предметга оид умумий ёки дастлабки мулоҳазалар [4]. Кўпинча эссе ёзиш машғулоти бошида, ёки рефлексия сифатида, охирида таклиф этилади. Эссе ёзиш кўпинча назарий машғулотлар, маърузалар ҳамда мустақил машғулотлар таркибида ўтказилади. Унинг қўйидаги турлари тегишли мақсадларга мувофиқ ҳолда қўлланилади: Эссе - таклиф этилган мавзу юзасидан 100 дан 5000 гача сўз ҳажмидаги иншо. Эссе - бу муаллифнинг таъкидлаб утадиган индивидуал нуқтаи назарини эркин ифода этиш шакли; қандайдир мавзу бўйича умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади. Асосланган эссе - қўйилган саволга асосли жавоб келтирилган ёзма ишдир. Муаллиф маълум бир нуқтаи назарни эгаллайди ва уни ҳимоя қилади, бунда ўзининг нуқтаи назарини қўллаб-қўвватлаш учун бир қанча асосланган исботларни келтиради.

Беш дақиқали эссе - ўрганилаётган мавзу бўйича олинган билимларни умумлаштириш, мушоҳада қилиш мақсадида ўқув машғулоти охирида 5 дақиқа оралиғида ўтказилади. Ёзма топшириқнинг ушбу тури ўқувчиларнинг мавзуга доир ўз мустақил фикрларини ифодалай олишга ёрдам бериш ва ўқитувчига ўз ўқувчилари адабий китоб материали билан танишганда қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор беришлари хусусида фикрлаш имконини беради. Ушбу ёзма топшириқ турида таълим олувчилардан қўйидаги икки топшириқни бажариш: мазкур китоб бўйича улар нималарни ўрганганликларини мустақил баён этиш талаб этилади.

Ўқитувчи 2-3 та эссени танлаб текшириши мумкин, уларни овозини чиқарган ҳолда шархлаши, ўқувчилар билан муҳокама қилиши ва хулосага келиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз, юқорида тавсия қилинган метод ва технологиялар ёрдамида ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришимиз мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрельдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 2020 - 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги 781-сон Қарори
4. Авлаев О.У. Жураева С.Н. Мирзаева С.Р. Таълим методлари Т-2017